



**ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ
МИЛЛИЙ ТИББИЙ (ЭТНОТИББИЙ) МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-17>

**Гадоева Лобар Эргашевна,
Бухоро давлат тиббиёт институти Ижтимоий фанлар кафедраси
ассистенти**

АННОТАЦИЯ

Мақолада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва инсон камолоти бир бирига диалектик боғлиқ масалалари кўриб чиқилган. Тарихий манбаларда соғлом турмуш тарзининг миллий тиббий (этнотиббий) мерос билан боғлиқлиги аниқ кўрсатилган. Соғлиқни сақлашнинг институт сифатида ривожланиши, бир томондан, клиник тиббиётнинг ютуқларига, иккинчи томондан, жамият тараққиётининг даражасига, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳатто диний-фалсафий жиҳатларга боғлиқ бўлганлиги ҳам тарихий таҳлил этилган.

Шунингдек, мақолада соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти ҳам таҳлил этилган. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегияси 4-устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришни қамраб олганлиги, мазкур йўналишда белгиланган вазифалар - аҳолининг саломатлигини сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги, аҳолининг узок умр кўришида соғлом турмуш тарзининг ўрни ва унинг мамлакатда демографик вазиятни яхшилашдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: стратегия, соғлом турмуш тарзи, сиёсат, ислохот, тарбия, этнотиббий мерос.


**ВЗАИМОСВЯЗЬ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ С НАСЛЕДСТВОМ
НАЦИОНАЛЬНОЙ МЕДИЦИНЫ (ЭТНОМЕДИЦИНА)**

**Гадоева Лобар Эргашевна,
Бухарский государственный медицинский институт
ассистент кафедры Общественных наук**

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы диалектической взаимосвязи формирования здорового образа жизни и всестороннего развития человека. В исторических источниках четко указана связь между здоровым образом жизни и национальным медицинским (этномедицина) наследием. В статье также, с точки зрения истории, анализируются что развитие здравоохранения как института, с одной стороны зависит от достижений клинической медицины, с другой стороны, от уровня развития общества, в том числе от экономических, социальных, политических и даже религиозно-философских аспектов.

В статье также идет анализ проводимых реформ в сфере здравоохранения.



В «Стратегии действий на 2017-2021 годы», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, четвертое направление – «Развитие социальной сферы» – предусматривает совершенствование системы социальной защиты и охраны здоровья граждан. Первоочередными задачами в этом направлении являются сохранение здоровья нации, снижение уровня заболеваемости, смертности, увеличение продолжительности жизни, создание условий и формирование мотивации для ведения здорового образа жизни и улучшение качественного развития демографической ситуации в стране.

Ключевые слова: стратегия, здоровый образ жизни, политика, реформа, воспитание, развитие, этномедицина.

THE RELATIONSHIP OF A HEALTHY LIFESTYLE WITH THE INHERITANCE OF NATIONAL MEDICINE (ETHNOMEDICINE)

**Gadoeva Lobar Ergashevna,
Bukhara State Medical Institute
Assistant of the Department “Social Sciences”**

ANNOTATION


The article analyzes the ongoing reforms in the health sector. In the “Action Strategy for 2017-2021”, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 8, 2017, the fourth direction - “Development of the social sphere” - provides for the improvement of the system of social protection and protection of public health. The primary tasks in this direction are to preserve the health of the nation, reduce morbidity, mortality, increase life expectancy, create conditions and create motivation for maintaining a healthy lifestyle and improving the qualitative development of the demographic situation in the country.

Keywords: healthy lifestyle, politics, reform, education, development.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва инсон камолоти бир - бирига диалектик боғлиқ масалалардир. Агар инсон камолоти, баркамол авлод стратегик мақсад бўлса, соғлом турмуш тарзи ушбу мақсадга етишнинг йўлларида, кундалик ижтимоий амалий усулларида биридир. Бироқ соғлом турмуш тарзи шунчаки кундалик амалий тажриба эмас, у баркамол авлодни тарбиялашнинг энг таъсирчан, ўсиб келаётган организм учун ўта зарур ва ўта мақбул воситасидир.

Соғлом ва узок умр кўриш инсониятнинг азалий орзуси бўлганлигига шубҳа йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай жамиятнинг олдида турган асосий вазифа инсониятнинг ана шу орзусини рўёбга чиқаришдан, яъни кишилар соғлиғи ва узок умр кўришлари учун шароит яратишдан иборат.

Агар биз соғлиқ масаласида қадимги дунё ва ўрта асрлар табобати сурган ғоя ва тақлифларга назар соладиган бўлсак, бу асосан соғлиққа ҳар бир кишининг ўзини масъуллигини оширишдан иборат бўлганлигини биламиз. Луқмони




Ҳақимнинг ўғлига насихатлари, Гиппократнинг соғлиқни сақлаш ҳақидаги таклифлари, Аристотелнинг Искандар Зулқарнайнга 10 та маслаҳати ва ниҳоят буюк ватандошимиз Ибн Синонинг “Одам гавдасини унинг муносиб ва ёқадиган нарсалар билан таъминлаш” ҳақидаги маслаҳатлари, асосан кишининг соғлом бўлиши учун кундалик турмушида эътибор қилиши лозим бўлган маслаҳатлардан иборат.

Инсоният жамияти ривожланишнинг ҳар бир босқичида соғлиқни сақлаш олдига замон тақозоси билан юзага келган ўз вазифаларини кўндаланг қилиб қўйди. Соғлиқни сақлашнинг институт сифатида ривожланиши, бир томондан, клиник тиббиётнинг ютуқларига, иккинчи томондан, жамият тараққиётининг даражасига, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳатто диний-фалсафий жиҳатларга боғлиқ бўлди. Жамият соғлигини сақлаш тарихи жамиятнинг ҳозирги замондаги муаммоларини бир мунча англаш манбаи бўлиб ҳисобланади ва уларни ҳал қилишни рағбатлантиради. Фаолиятнинг илмий ва амалий соҳаси сифатидаги соғлиқни сақлашнинг тарихи – бу, аслида, касалликларга қарши курашиш ва уларнинг хароб этувчи оқибатларини қайтириш йўлидаги уринишлар тарихидир.


Ўсиб келаётган фарзандларнинг, ёшларнинг серҳаракатчанлик табиати, ёш организмнинг турли жисмоний машқлар ва жисмоний юкларга эҳтиёжи соғлом турмуш тарзини шакллантиришни баркамол авлод концепциясининг ўзак қисмига, асосий вазифаларидан бирига айлантиради. Буни А.Муҳиддинов “саломатлик акме модули” деб атайди. У ёзади: “Тиббий маданиятни кишиларга етказиш учун асос бўладиган саломатлик акме модулини яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ижтимоий фаолиятнинг икки муҳим соҳаси соғлиқни сақлаш ва таълим тарбия жараёнида амал қиладиган қонуниятларни ва тамойилларни ҳисобга олган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар икки соҳада шаклланган концепцияларни акс эттирувчи тамойилларга асосланиш мумкин. Маълумки бундай тамойиллар ҳар икки соҳага оид қонунларда белгилаб қўйилган[1]. Тадқиқотчи бу ўринда расмий қонунларда белгилаб берилган нормалар ва тамойиллардан келиб чиқишни тавсия этапти. Моҳиятан бундай ёндашув тўғри. Лекин турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларнинг ҳаммасини қонунларда акс эттириш қийин. Соғлом турмуш тарзи аввало шахснинг индивидуал ҳаёти ва ушбу ҳаётга индивидуал муносабатидир. У ҳаёт тарзини ўзининг индивидуал қизиқишлари ва эҳтиёжларидан, ўзи эга имкониятларидан келиб чиқиб танлайди, белгилайди [2].

Баркамол авлод ва соғлом турмуш тарзининг етук, акме моделини яратишга бўлган интилиш ҳеч қачон тўхтамаган. Улар антик даврлардан бери кишилар, айниқса файласуфлар ҳаёлини, фикрини банд этиб келади. Шунинг учун бундай моделларда мудом гипотетик элементлар бўлиши табиий ҳолдир. Аслида оптимизмга асосланган гипотезалар ҳар қандай ижтимоий воқеаларга, айниқса камолотга оид қарашларга антропологик моҳият бахш этади, асрлар давомида халқлар қалбида яшаб келаётган порлоқ келажак, идеал жамият ҳақидаги орзуларга ишониб яшашга ундайди[3]. Демак, биз моделлардаги гипотетик элементларда кўрқмаслигимиз, балки улардаги рационал жиҳатларни ҳаётга тадбиқ



этиш, кудалик турмушимизга сингдириш йўллари, усулларини излашимиз керак. Гипотетик хусусиятсиз модел, назария, орзу йўқ. Аҳоли саломатлигини таъминлаш мустақил, ёш давлатимиз ҳал этиши зарур бўлган бош масалалардан бири бўлди. Бунга ундаган асосий сабаб шўролар даврида олиб борилган ғайримиллий иқтисоди, экологик ва тиббий сиёсат бўлди. Ибратли бир мисол келтириш билан кифояланамиз, чунки шўролар давридаги ҳаёт тарзининг салбий натижалари ҳақида кўп ёзилган. Профессор С.Мамашокировнинг ёзишича, “айрим маҳаллий партия, давлат органларининг раҳбарлари учун 25, 50, 100 йиллардан кейин бўладиган истиқболлар амалий аҳамиятга эга эмас, нари борганда, бундай илмий таклифлар фақат оғиздагина, юзаки қўллаб қувватланади, холос. 1980 йили Нукусда ЎзССР ФАнинг кўчма сессияси Оролбўйи регионининг экологик истиқболларига оид конкрет илмий таклифларни киритган эди. Бироқ, бу таклифлар маҳаллий партия, давлат органларининг эътиборидан четда қолиб кетди. Республикамиз олимлари, мутахассислари бу таклифларни амалга оширишда қатъият, принципиаллик кўрсатмади. Натижада, Орол денгизининг куриб бориши билан боғлиқ экологик муаммо аллақачон регионал доирадан чиқиб, глобал аҳамият касб этди, чинакам фожиага айланди. Зеро, 60 йилларда Орол денгизининг сатҳи 65 минг км³, сув ҳажми 1100 км³ бўлиб, ўртача чуқурлиги 16 метр, бир литр сувнинг шўрланиш даражаси 10 грамм бўлса, кейинги 20 йил ичида 11,5 метрга пасайиб, сатҳи 18 минг км²га, суви айрим жойларда қирғоқдан 70100 км чекиниб, ҳажми икки баробардан ортиққа қисқарди. Минераллашиш даражаси 44 граммга ошганлиги натижасида унда яшовчи тирик организмлар қирилиб кетмоқда, биологик маҳсулдорлиги 5 мартадан кўпроққа камайди. Айрим тирик организмлар турлари мутлақо йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган. Бундан ташқари, Амударёнинг Орол денгизига қуйилиш дельтасидаги 600 минг гектар ернинг ўсимлик дунёси куриб тамом бўлди. Бунга асосий сабаб, Орол денгизининг куриб қолган жойларидан тузнинг босиб келишидир[4]. Республикамизда болалар ўлимининг собиқ СССРда энг юқори бўлгани аҳоли саломатлигига бўлган муносбатнинг қандай даражада бўлганидан далолат беради. Шундай вазиятда мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси аҳоли саломатлигини тиклаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор бермаслиги мумкин эмас эди. Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий ҳаётни тубдан ислоҳ қилишга киришганида аҳоли сиҳат саломатлигини таъминлашга қаратилган соғликни сақлаш соҳасини яхшилашни ҳам назарда тутди. Бу жараён уч босқични ўз ичига олди.

Биринчи босқич 1991-1998 йилларни ўз ичига олади. (Бу босқичлар ҳақида турли ёндашувлар, фикрлар мавжуд. Биз ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши билан боғлиқ, илм аҳли назарда тутадиган босқичларни гуруҳлашдан келиб чиқамиз) Бу босқичдаги вазифаларга профилактика тизимини тиклаш ва унинг самарали ишлашини таъминлашга эришиш, болалар ва оналар соғлигини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш, демография соҳасига оид рационал кўрсаткичлар ва нормалар ишлаб чиқиш, экологик хавф кучли бўлган вилоятлар, ҳудудларда юқумли касалликка қарши чора тадбирлар кўриш ва




соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид маърифий тарбиявий ишларни мунтазам олиб бориш кабилар киради. 1993 йили “Соғлом турмуш тарзи” давлат дастури қабул қилинади. Шу йили ёш авлодни соғлом, бақувват ва комил инсон қилиб тарбиялашда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларни қилиш мақсадида 1 ва 11 даражали “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилади. Бугунга қадар мазкур орден билан 617 киши тақдирланган бўлиб, уларнинг аксарияти педагоглар ва тиббиёт ходимларидир. Айнан ушбу босқичда тарихий маданий меросга, буюк аجدодларимиз қолдирган тиббий маънавий тажрибаларга мурожаат этиш бошланди. “Авесто”даги тиббий масалаларга оид қисмлар, Берунийнинг “Тиббиётда доришунослик” (Китоб ассайдана фит тиб”), Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” (“Ал Қонун фит тиб”) китоблари таржима қилинди, Ўрта асрлар Марказий Осиёдаги тиббиётга, аҳоли саломатлигини таъминлаш тажрибаларига мурожаат, қизиқиш ортди. Халқ таъбири хам қайта жонланди.

Мавзумиз учун муҳим томони шунда эдики, биринчи босқичда соғлом турмуш тарзининг миллий тиббий (этнотиббий) мерос билан боғлиқлиги, бу борадаги илмий ва амалий изланишлар миллий ва умуминсоний кадрлар уйғунлиги нуқтаи назаридан қаралиши кераклиги аниқланди. Миллий демократик тараққиётнинг ўзи хам ушбу уйғунликни тақозо этарди, шунинг учун “янги уй қурмай эскисини бузма” тамойилига мувофиқ, шўролар даврида яратилган соғломлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш, малакали кадрлар тайёрлаш тизими сақлаб қолинди, улар миллий манфаатларга, Ўзбекистон халқи саломатлигини мустақамлаш учун хизмат қилишга йўналтирилди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ва мустақил тараққиётга ўтиш арафасида Ўзбекистонда 140072 ўринга эга 101 та тиббиёт муассасалари ва профилактика клиникалари, малакали врачлар тайёрловчи Тошкент тиббиёт институти (1931), Самарқанд тиббиёт институти (1932), Тошкент фармацевтика институти, Андижон тиббиёт институти (1955), Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти (1972). Бухоро тиббиёт институти (1990) мавжуд эди. Тинмай ўсиб бораётган аҳоли сони мазкур институтлар сонини ва тиббий хизмат турларини кенгайтиришни тақозо этарди[5]. 1998 йилгача бўлган даврда ёш болалар ўлими 40% га, оналар ўлими 3,5 мартага, муддатидан олдин туғиш 30% га, болалар ўртасидаги респираторлик касали 40% га камайди, ортикча ҳомиладорликдан сақланиш 1993 йилга нисбатан 45%га ошди. Кундузги стационар ва амбулатор поликлиник хизматларнинг кўпайиши натижасида республикада касалхоналар сони 20%, каравотлар сони эса 46 %га қисқартирилди. Давлат тиббиёт тизимидаги касалхоналар сони 1991 йилги 1388 дан 1998 йили 1175тага тушди. Натижада миқдорнинг касалхоналарда даволаниши 14,9 кундан 12,9 кунга камайгани ҳолда врачларнинг жон бошига ташрифи 7,2 дан 8,2 тага ошди [6]. Шу билан бирга кузатувлар кўпгина муаммолар ечимини кутаётганини кўрсатди.

Масалан, 1996 йили ёш қизлар орасида 1993 йилга нисбатан касалликларнинг 15 %га ортган, 37,5 % аёллар патологик нуқсонлар билан туққан. 1996 йилда аҳоли туғилиши сезиларли даражада пасайишига қарамай қизларни эрта эрга




бериш ҳоллари кўпайган, бу ҳол бўлгуси фарзандлар соғлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмаган. 1995 йили соғлиқни сақлаш ва соғломлаштириш ишларига бюджетдан 10,31% маблағ ажратилган бўлса, 1996 йили 9,69%га, 1997 йилга келиб эса 6,69% га тушиб қолган. Аёллар орасида айниқса, анимия, сийдик жинсий тизим, овқатни ҳазм этиш органлари, ҳамиладорлик чоғи кеч токсикозлар, ҳомиладор аёллар орасида патология юқори бўлиб қолаётгани аниқланган [7].

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги туб ислоҳотлар иккинчи босқичи (1998-2009) да 1998- 2005 йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини қайта қуриш Давлат дастурининг қабул қилиниши билан боғлиқдир. Ушбу ҳужжатга кўра, қишлоқ жойларида янги типдаги қишлоқ врачлик пунктлари барпо этиш, уларни зарур моддий-техника ускуналари ва мутахассислар билан таъминлаш, икки босқичли (туман ва вилоят) даволаш тизимини яратиш, шошилинич ёрдам кўрсатиш институтлари фаолиятини тубдан яхшилаш, шошилинич ёрдам кўрсатиш илмий марказларини яратиш ва махсус тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, “Оналар ва болалар скрининги”, генетика Давлат реестрини ишлаб чиқиш каби аҳоли учун ижтимоий тиббий аҳамиятга чора-тадбирлар амалга оширилди. “Сихат саломатлик” ва “Ўзбекистон тиббиёт журнали”, нодавлат нашрлари пайдо бўлди. Ўзбекистонда 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилинди. Мазкур йилда ёш авлодни жисмонан ва ақлан етук қилиб тарбиялаш, болалар ўртасида спорт ва физкультурани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада болаларнинг соғломлаштириш машқлари, спорт билан шуғулланиши 2 мартага, яъни 34%дан 63%гача ўсди [8].

1998 йил Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”нинг 17–моддасида никоҳланувчи шахсларнинг никоҳлари қайд қилинмасдан аввал тиббий кўрикдан ўтиш кераклиги белгилаб қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 август қарорига биноан, никоҳлануви шахсларнинг никоҳи қайд қилинмасдан аввал чуқурлаштирилган, сифатли тиббий кўрикдан ўтказиладиган бўлди. Мазкур қарорга кўра, никоҳланувчи шахслар энди тиббий кўрикдан аввалгидай умумий тартибда текширувдан ўтмасдан, беш хил касаллик: руҳий, наркологик, захм, сил, СПИД бўйича ўзлари рўйхатда турган поликлиникада мукамал тиббий кўрикдан ўтишади. Йигит-қизларда белгиланган касаллик қайд этилса, турмуш қуриш-курмаслиги ўзларининг ихтиёрига ташланади. Никоҳдан олдин тиббий текширувдан ўтиш кўп давлатларда мажбурий экан. Демак, инсон саломатлиги, жамият поклигини ўйлаб қилинган заруриятни инсон эркига дахл қилиш деб тушуниш тўғри бўлмайди.

Аҳолининг саломатлигини таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилиши ҳукуматимизни ушбу йўналишдаги ислоҳотларни давом эттиришга ундади. Натижада 1999 йил “Аёллар йили”, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Она ва бола йили”, 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йил “Обод маҳалла йили”, 2004 йил “Меҳр мурувват йили”, 2005 йил “Сихат саломатлик йили”, 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил “Ижтимоий имоя йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди. Ушбу йилларда амалга оширилган ишлар



кўламини битта мақола, ҳатто бир икки китобда ёритиш қийин. Бизнинг мавзумиз учун муҳим томони шундаки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар марказида бутун тиббиёт тизими ва тарбия муассасалари, спорт комплекси аҳолида ўз соғлигига янгича ёндашувни шакллантиришга қаратди. Бу янгича ёндашув илғор давлатларда шакланган тартиб, модель, яъни саломатликка инсон эришиши мумкин бўлган энг катта бахт, бойлик, барча муваффақиятлар кўрсаткичи, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган юксак қадрият деб қараш эди. Шўролар даврида давлатга хизмат қилиш, у белгилаб берган ишлаб чиқариш режаларини, ҳатто вақтини ва соғлигини сарфлаб бўлса-да, бажариш ватанпарварлик, коммунистик ғояга содиқлик, жасорат деб, ҳисобланган. Оиласини, ижтимоий бурчларини, соғлом фарзандлар етиштиришни унутиб эртаю-кеч давлат режасини бажариш эъзозланадиган ва тақдирланадиган фаолият эди. Мустақиллик йилларида бу назар, тор парадигма ўзгарди, инсон манфаатлари, унинг сиҳат-саломатлиги, узоқ умр кўриши, бахтиёр ва фаровон яшаши асосий кўрсаткичга, ижтимоий тараққиёт белгисига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни (Конституцияси)да инсон ҳаётининг олий қадрият деб эълон қилиниши ва либерал демократик, гуманистик меъёрларнинг ҳаётимизга кириб келиши соғлиқ-саломатликка янги парадигма нуқтаи назаридан ёндашишга ўргатди.

Учинчи босқич (2010-2016) йилларни ўз ичига олади. Мазкур босқичда олдинги йилларда қабул қилинган Давлат дастурларини бажариш ва ниҳоясига етказиш, тиббиёт соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, экологик тарбия концепциясини ишлаб чиқиб, уни тарбия ва таълим тизимига жорий этиш давом эттирилди. Бизнинг мавзумизга бевосита тааллуқли бўлгани 2010 йили “Баркамол авлодни тарбиялаш концепцияси” ва у билан боғлиқ “Баркамол авлод йили” дастурининг қабул қилинганидир. 2010 йили мамлакатимиз аҳолисининг 30 ёшгача бўлган қисми 64%ни ташкил этган. Умуман, Ўзбекистонда ёшлар умумий аҳолининг мудом ярмидан кўпини ташкил этиб келган. Бу нафақат элимиз фахри, омади, шу билан бирга маълум бир ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарувчи сабаб ҳамдир. У аввало ижтимоий иқтисодий, таълим тарбия, бандлик, демографик, маданий маиший ва тиббий хизмат турларини ташкил этиш кабилар билан боғлиқ муаммолардир. Баркамол авлодни тарбиялаш концепциясидан келиб чиққан ҳолда бутун диққат ва сарф харажатлар ёш авлодни жисмонан ва ақлан етук, интеллекти бой, ўзининг мустақил фикри ва ҳаётий мақсадлари бор шахс қилиб етиштиришга қаратилди. Бу аслида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунининг, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2008 йилги “Ёшлар йили”да кўзда тутилган вазифаларнинг амалий-манتيқий давоми эди.

Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси 4-устувор йўналишида **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш,**

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масаласининг ўз аксини топиши ва бу борада тизимли ислохотларнинг амалга ошириб келинаётганлиги баркамол авлод тарбиясига жуда катта эътибор берилаётганлигининг яққол ифодасидир.

“Соғлом одам табиатнинг энг буюк асаридир”. Бу ҳикмат инсонларни фикрлашга, ўтмишига қарашга, бажарган ишлари ҳақида мушоҳада юритишга ундайди. Инсон ҳам табиат “асарларидан” бири экан, унинг соғлом бўлиши бевоқиф табиат билан боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир инсонда “табиат – бу бизнинг макон” деган тушунчани шакллантириш лозим.

“Дунёдаги буюк кучлар кўп, лекин табиатда инсондан қудратлироқ куч йўқдир”, - деб айтган эди Сукрот. Она заминимизни келажак авлодга тоза, мусаффо ҳолда қолдириш ҳар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Муҳиддинов А. Тиббий маданият фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. –Б. 135-136.
2. Каримова В.Саломатлик психологияси ёхуд соғлом бўлиш учун руҳиятни бошқариш сирлари. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2005.
3. Абилов У.М. Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи /Маънавий маърифий, ғоявий жиҳатлари. – Тошкент: Истиқлол, 2003. –Б. 9 -10.
4. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2012. – Б. 11.
5. Каримов Ш.И., Муҳамадиярова Р.Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Муаммолар ва истиқболлар. – Тошкент: Фан,1998.
6. Доклад о человеческом развитии. – Ташкент: Узбекистан, 2000. – С.18 -19.
7. Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот. – Тошкент: Ўзбекистон 1997. UNDP, 1997. 84 85 б.
8. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990- 2010гг.) и прогнозы на 2011- 2015 гг. – Ташкент: Узбекистан, 2011. –С.130.